

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2021 йил 1 сон



Бош муҳаррир: Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

Маъруз муҳаррир: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

Маъруз муҳаррир ўринбосари: Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиги Р.Жалалов

ТАҲРИРҲАЙЪАТИ

Физика-математика фанлари: акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., проф. М.Тухтасинов, ф-м.ф.д., доц. Б.Самамов, ф-м.ф.д., доц. Р.Ҳакимов, ф-м.ф.д. М.Рахматуллаев.

Кимё фанлари: акад. С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф. Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

Биология фанлари: акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц. А.Баташов, б.ф.н.

Техника фанлари: - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

Қишлоқ хўжалиги фанлари: - г.ф.д., доц. Б.Камалов, қ-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

Тарих фанлари: - акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д., проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

Иқтисодийёт фанлари: - и.ф.д., проф. Н.Махмудов, и.ф.д., проф. О.Одилов.

Фалсафа фанлари: - акад. Ж.Бозорбоев, ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

Филология фанлари: - акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф. С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова, фил.ф.д., проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н., доц. М.Сулаймонов.

География фанлари: - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф. А.Нигматов.

Педагогика фанлари: - п.ф.д., проф. У.Иноятов, п.ф.д., проф. Б.Ҳоджаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф. Ш.Ҳонкелдиев, PhD П.Лутфуллаев.

Тиббиёт фанлари: - б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

Психология фанлари - п.ф.д., проф. З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

Техник муҳаррир: *Н.Юсупов.*

Таҳририят манзили: Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

Тел: (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** ilmiy@inbox.uz

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий наشرлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси—Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон наشر сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 11.01.2021 йилдаги кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишга рухсат этилган (Баённома № 1). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ-2020



Уй ичи унинг бу феълига жуда яхши тушунганликларидан кўпинча бир оғиз жавоб олиши билан кифояланадилар. ("Ўткан кунлар")

Матнда берилган парчада бир инсоннинг мулоқот хулки, яъни сўзловчи билан мулоқот қилиш шакли тасвирлаб берилган. Бундай белгилар орқали кишиларнинг нутқий фаолиятига кўра характер жиҳатини аниқлаш, бундан ташқари шу тилда сўзлашувчи халқ маданиятига, маънавиятига хос алоҳида жиҳатларни белгилаш мумкин. Шунга кўра прагмалингвистика нутқ маданияти, матннинг дискурс таҳлили ва матн таҳлилига антропоцентрик ёндашув, когнитив тишунослик соҳаларига яқин туради ва уларни қизиқарли, бой маълумотлар билан таъминлайди.

Адабиётлар:

1. Караулов Ю.Н. Русская языковая личность и задача её изучения // Язык и личность. - М., 1989. - С.3-8.
2. Леонтьев А.А. Психоллингвистика - Ленинград: Наука, 1967.
3. Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб...//Ўзбек тили ва адабиёти.-Тошкент, 2012.-№5.-Б.3-16.
4. Нурмонов А. Тишуносликнинг психология билан муносабати//Танланган асарлар. 3 жиддик. -Тошкент: Академнашр, 2012. 2-жид. Б-164-169.
5. Сафаров Ш. Когнитив тишунослик - Жиззах, 2006.; Прагмалингвистика. -Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.
6. Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари - Тошкент: Академнашр, 2013.

ГАЙБУЛЛА САЛОМОВ ТАРЖИМАШУНОСЛИК МАКТАБИ

Садиқова Салима Зоҳидовна

Наманган давлат университети Факультетлараро чет тиллари кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада ўзига хос қиёсий типологик аснодаги тадқиқот методларига асосланган ўзбек таржимашунослик мактаби яратган олим, профессор Гайбулла Саломовнинг таржима илмига оид тадқиқотлари умумий хусусиятлари тўғрисида фикр юритилади

Калит сўзлар: Қиёсий типологик метод, таржимашунослик, лисоний-адабий таҳлил, таржима методлари, таржима бўлишлик, таржима бўлмаслик, миллий ўзига хослик

ПЕРЕВОДОВЕДЧЕСКАЯ ШКОЛА ГАЙБУЛЛЫ САЛЯМОВА

Садиқова Салима Зоҳидовна

Аннотация: В статье рассматриваются общие черты исследований в области перевода профессор Гайбуллы Салымова, ученого, создавшего Узбекскую школу переводаведения, основанную на методах исследования сравнительно-типологического анализа

Ключевые слова: Сравнительно-типологический метод, переводческое дело, лингво-поэтический анализ, методы перевода, неперевод, национальный колорит

TRANSLATION SCHOOL OF GAIBULLAH SALIYAMOV

Sadikova Salima



Summary: *The article examines the general features of research in the field of translation. Professor Gaibullah Salyanov, a scientist who created the Uzbek School of Translation, based on the methods of research of comparative typological analysis*

Key words: *Comparative typological method, translation, language-poetic analysis, translation methods, non-translation, national color*

Таржима назарияси фани дунёда иккинчи жаҳон урушидан кейин пайдо бўла бошлади. Мазкур фан бўйича жаҳоннинг турли мамлакатларида ўзига хос мактабларга асос солинди. Жумладан, АҚШда Южин Найда, Францияда Жорж Мунен, Германияда Отто Каде, Австрияда Эрих Прунч, Болгарияда Анна Лилова, Словакияда С.Влахов ва С.Флорин ҳамда Дионаз Дюришин, Россияда Александр Фёдоров, Грузияда Гиви Гаччиладзе, Озарбайжонда Байрам Тохирбеков, Арманистонда Левон Мкртчян, Беларуссияда Копанев кабиларнинг мактаблари маълум. Ўзбекистонда эса бу масъулият Ғайбулла Саломов чекига тушди. У ўша пайтларда биринчилардан бўлиб “Таржима назариясига кириш” (1978) дарслигини яратди. ТошДУ (ҳозирги Миллий университет) қошида илк бора “Таржима назарияси” кафедрасини ташкил этди. Олий таълим тизимида таржимашунослик ихтисослиги бўйича фан дастурини ишлаб чиқиб, таълим жараёнига тадбиқ қилди. У асос солган таржима мактабига хос ўзига хослик, аввало, *таржиммага санъат сифатида қарашида* кўринади. Бу борада у шундай дейди:

“Таржиманинг санъат эканлигига Эта далил:

Биринчиси, таржиманинг тил соҳасидаги ижод эканлиги;

Иккинчи далил: агар бир асарни ўн киши ўтурса, уларнинг таржималари бир хил қолипдан чиққандай, бир-бирига айнан ўхшаб қолмайди; билакс жиддий фарқ қилади. Сабаби, ҳар бир таржимон – ижодкор. Бир-бирига ўхшамайдилар [1.18].

Учинчи далил шуки, айни бир асарни ўтирганда ҳосил бўлган бир қанча таржималар ижодкорлар мансуб бўлган мактаб, адабий анъаналар, ўтирилаётган аслиятнинг табиати, тор хусусиятлари билан бир-биридан яққол ажралиб туради [1.19].”

Ғайбулла Саломов таржима мактабининг яна бир муҳим жиҳати ҳар бир *аслият матнини ўгиришга нисбатан ихтисослашув тамойили* эди. У ўзининг мазкур ғоясини бадий асарлар таржимаси мисолида кенг ва чуқур тарзда асослаб берди. Жумладан, Лев Толстой асарларига Мирзакалон Исмоилий, Антон Чехов ижодига Абдулла Қаҳҳор, Александр Пушкинга Ойбек, Уилям Шекспирга Мақсуд Шайхзода ва Жамол Камол, Чингиз Айтматовга Асил Рашидов ва Иброҳим Ғафуров, Иоханн Гётега Эркин Воҳидов ва Пошали Усмои, Алегъери Дантега Абдулла Ориповларнинг оригинал ва таржимавий ижодлари услубий муштараклик касб этишини исботлаган ҳолда *таржимоннинг аслият муаллифи руҳига услубий калит топиш йўллари*ни кўрсатиб берди [3]. Бу эса ўз навбатида универсал таржимон, ҳар қандай асарни таржима қилавериш каби ноўрин урунишларга кескин зарба берди ва таржима санъати сифатини янада юқорироқ поғонага кўтаришга хизмат қилди.

Ғайбулла Саломов асос солган таржима мактабининг яна бир муҳим қирраси унда таржиммага нисбатан санъат сифатида қаралиши билан биргаликда, *бадий таржима ҳам оригинал ижод, ватан адабиётининг муҳим ва ажралмас қисми эканлигини* асослаб берганлиги эди. Устоз ўзининг “Адабий анъанга ва бадий таржима” [2] монографияси ва шу йилларда ҳимоя қилган докторлик диссертациясида ўзбек тилида Шекспир



асарларини таржима қилиш анъаналари таҳлили билан бадий таржимада ҳам худди оригинал адабиётдаги каби ўзига хос анъана бўлиши мумкинлигини асослаб берганлиги эди. Бунда Шекспирнинг “Ҳамлет” трагедиясининг Чўлпон, Шайхзода, Жамол Камол таржималари мисолида ўзбек бадий таржимачилигида реалистик қайта яратишнинг пайдо бўлиши босқичлари, аслият ва таржима, оригинал ижод ва таржима, ватан адабиёти ва таржима адабиёти, таржима – адабий алоқа – адабий таъсир каби масалалар таҳлили асосида олдинга қўйилган мақсад ёригиб берилган. Бу борадаги Ғ.Саломов тадқиқотининг оригиналлиги шунда эдики, муаллиф таржимашунослиқда илк бор бадий таржима (Шекспир асарларининг ўзбекча таржималари) нинг пайдо бўлиши ва унинг таржима ўқувчисига, театр сахнасига, ҳаётга, истеъмолчига етиб бориш жараёни ҳам тадрижий, ҳам мавжуд анъаналар хусусиятлари билан боғланган ҳолда қиёсий-типологик аснода тадқиқ қилиб берилди. Бу эса таржиманинг тил соҳасидаги ўзига хос оригинал ижод эканлигини исботлаб бериши билан биргаликда таржима тарихи, таржима танқиди муаммоларини ечишда ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Ғайбулла Саломов таржима мактабининг бетақрор жиҳатларидан яна бири жаҳон адабиётининг буюк асарларини қайта яратишда кўплаб *моҳир таржимонлар маҳоратининг* ўрганилганлигидир. Унинг “Таржима назарияси асослари” [4] номли монографиясида бу борадаги қарашлари ўз ифодасини топган. Хусусан, ўтган асрнинг 80-90 йилларида Отаҳий (Нажмиддин Комилов), Лев Пенковский (Комилжон Жўраев), Миртемир (Зухриддин Исомиддинов), Абдулла Қаҳҳор (Абсалом Умаров), Зулфия (Хуршида Маматова) кабилар унинг бевосита илмий раҳбарлигида номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар.

Ғайбулла Саломов таржима мактабининг кейинги ўзига хос хусусиятларидан бири *таржимага оригинал ижоднинг иккинчи умри сифатида қаралишидир*. Бунга кўра, ўзбек таржимашунослигида илк бор жаҳон адабиётининг буюк сиймолари ижодини ўзбек тилига ўзгириш ва ўзбек адабиёти намуналарини таржима воситасида дунёга танитиш борасида тадқиқотлардир.

Муаллиф бу борада шундай деган эди:

Буюк сўз усталарининг ижоди ҳар бир халқнинг миллий тимсоли ва гурурига айланиши баробарида, уларнинг асарлари оламшумул умунсоний, байнамилал гоаялар билан сугорилган бўлади [1.27].

Бу борадаги тадқиқотларнинг яна бир муҳим томони бир асарнинг бир неча таржималари мисолида қиёсий типологик аснода изланишлар олиб борилганлигидир. Натижада аслиятдан ўпирилган бир неча таржиманинг ўзаро фарқ қилувчи жиҳатлари ўрганилиши билан биргаликда таржимадаги ворисийлик масаласи ҳам эътибордан четда қолдирилмади. Унинг 1982 йида шогирди Нажмиддин Комилов билан ҳамкорликда ёзган “Дўстлик кўприклари” китобида шеърий таржима ўзига хосликлари тадқиқ қилиниб, қайта яратиш санъатидаги таржимавий методлари, аниқлик ва эркинлик масалалари тадқиқ қилинди. Хусусан, устознинг 1996 йида Наманган ташрифи давомида “Жаҳонгашта Бобурнома” монографияси бу борадаги ишларни умулаштиришда муҳим рол ўйнади. Натижада Ғайбулла Саломовнинг бевосита илмий раҳбарлигида бу борада ҳам бир қатор докторлик ва номзодлик ишлари ҳимоя қилинди. Жумладан, “Бобурнома”нинг инглиз тилига таржималари борасида Н.Отажонов, Р.Каримов, М.Собиров, Д.Хошимова, французча таржималари бўйича С.Шукруллаева,



немисча таржималари бўйича Ғ.Хўжаевлар диссертация ёқладилар. Шунингдек, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутаду билиг” асарининг немисча ва инглизча таржималари борасида З.Содиқов, Қ. Сидиқовлар диссертация ҳимоя қилган бўлсалар, Алишер Навоий асарларининг русча таржималари бўйича С.Олимов, К.Жўраевлар монографик тадқиқотлар яратдилар. Айни пайтда жаҳон адабиётининг буюк сиймоларидан Гётенинг ўзбекча таржималари бўйича С.Жабборов, С.Салим, П.Усмон тадқиқотлар олиб борган бўлсалар, Шиллер ижоди бўйича Ў.Нурматов ўзининг номзодлик ишини ҳимоя қилди. Бундан ташқари инглиз Жорж Байрон шеърининг ўзбекча талқинлари борасида М.Бақоева муваффақиятли иш олиб бориб, номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилишга эришди. Шунингдек, Ғайбулла Саломов илмий раҳбарлигида Ҳамидулла Кароматовнинг буюк саркарда, соҳибқирон Амир Темур сиймосини таржима воситасида жаҳон адабиёти саҳнасида эътироқ этилишига оид “Христофор Марлонинг “Буюк Темур” асарининг сарчашмалари, аслияти ва ўзбекча таржимаси” номли номзодлик ҳамда “Ўзбек адабиётида Куръон мавзулари” докторлик ишларини ҳам алоҳида таъкидлаш керак.

Ғайбулла Саломов таржима мактаби бутунги кунда ҳам ўз медаларини бермоқда. У ўзининг “Тил ва таржима” [5] йилда нашр эттирган монографиясида мамлакатимизда таржима ихтисослиги бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлаш, таржимашунослик бўйича диссертациялар ҳимоясига ихтисослашган Илмий кенгашлар ташкил қилиш борасида орзу қилган эди. Бугунги кунда унинг бу эзгу ниятлари амалга ошди. Жумладан, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти, Бухоро давлат университетларида 10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик ихтисослиги бўйича филология фанлари докторб (DSc) ҳамда филология бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациялари ҳимоя қилиш бўйича кенгашлар фаолият кўрсатмоқда. Уларда мазкур соҳага оид ишларнинг барчасида ўзбек таржима мактабининг асосчиси Ғайбулла Саломов номини кўриб қувонасан киши. Устоз - шогирдлар – устозларнинг умри давомийлигидир” , - деб бежиз айтмаган экан.

Адабиётлар рўйхати:

1. Саломов Ғайбулла. Мен сув ичган дарёлар. – Тошкент: “Ёш гвардия” нашриёти, 1990 йил.
2. Саломов Ғайбулла. Адабий анъана ва бадиий таржима. – Тошкент: Фан, 1982 йил.
3. Саломов Ғайбулла. Таржима ташвишлари – Тошкент, 1993
4. Саломов Ғайбулла. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982 йил.
5. Саломов Ғайбулла. Тил ва таржима. – Тошкент: Фан, 1966 йил.



34	“Она” концептининг лисоний воқеланиши Назарова Н	177
35	The importance of teaching english at preschool age Ergasheva G.N	182
36	Paralingvistika va rigohning paralingvistikadagi o‘mi. Ergasheva N.N	186
37	Jozef Archibald Kronin ijodining shakllanish yo‘li Mirsadullayev M.M	191
38	The role of teacher personality in efl Rashidova F.R, Sayfiddinova N.A	195
39	Лугат ўргатишда ўқитиш стратегиялари Абдуқодиров У.Н	199
40	Ўзбек тилида цитология терминларининг муаммолари ва вазифалари Алимова К.Д	203
41	Тарихий ҳикояда бадиий образ Амиркулова З.М	207
42	XX аср шеърлятида тоғ концепти Ибрагимова И.А	212
43	Инновационные методы формирования у учащихся устной и письменной речи в процессе обучения русскому языку Махмадиева Г.С	215
44	Оғзаки мулоқот актида диктумга субъект муносабатини ифодаловчи воситалар Сапарбаева Г.М	219
45	Лингвокультурологическое содержание паремнологических единиц русского языка Мамадалиева С. Ш	224
46	Психоллингвистика масалаларига доир Қурбонова С. М	227
47	Ғайбулла саломов таржимашунослик мактаби Садиқова С.З	230
48	Тил маданият-тарихий маълумотларни сақлаш воситаси сифатида Саидова М.Ш	234
49	Социоллингвистик тушунчаларнинг назарий шаклланиши Собирова Р.Х.....	237
50	Тил ўқитишнинг инновацион методида янги сўзларнинг ички ва ташқи сабаблари Исмоилова Ф.А	243
54	Дипломатик нутқ турлари ва уларнинг мазмуний тузилиши Х Нарғиза Умаровна	248
55	Лингвистические особенности в языке Хужаназарова Г.Г	252